

ЎҚУВЧИЛАРДА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Эгамбергана Худойназаров Мадрохимович

Урганч давлат университети

“Бошланғич таълим методикаси” кафедраси доценти

Авезова Дилноза Ғуламбек қизи

Урганч давлат университети

Бошланғич таълим йўналиши талабаси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим жараёнининг муҳим компонентларидан бири бўлган ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришнинг дидактик асослари ва уни ўзига хос жиҳатлари, кўплаб тадқиқотчиларнинг бу ҳусусдаги мулоҳазалари таҳлил қилинган. Мақола якунида муаллиф томонидан кўплаб хулосавий фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: *мантиқ илми, мантиқий фикрлаш, мантиқий таҳлил, дидактик жараён, аргументлаш, ривожлантириш.*

ABSTRACT

This article analyzes the didactic foundations of the development of logical thinking in students, which is one of the important components of the educational process, and its specific aspects, as well as the opinions of many researchers in this regard. At the end of the article, the author made many concluding remarks.

Key words: *science of logic, logical thinking, logical analysis, didactic process, argumentation, development.*

КИРИШ

Инсоннинг дунёқарабини ривожланишида унинг тили ва нутқининг ривожланган бўлиши жуда муҳимдир. Чунки, топшириқнинг ечилиши жараёнида ўқувчи топшириқни ечиш йўллари ўз нутқи орқали баён қилиши, топшириқнинг асосий элементларини айта олиши, график чизмаларни чиза олиши ва билиши- ўқувчи ижодий тафаккурини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Ўқувчи қанчалик даражада кўп сўз бойлигига эга бўлса, унинг ички, ақлий имкониятлари ҳам юқори даражада ривожланади ва шаклланади. Ижодий жараёнда ўқувчи аввал топшириқни хаёлий тасаввур, яъни ақли орқали бажаради, режа тузади, кейин эса бу режа ташқи имкониятлар асосида амалга оширилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

А. Савенков [2] ўқувчиларда мантиқий фикрлашни ривожлантиришнинг

қуйидаги тамойилларини санаб ўтади:

- муаммони қўйиш ва уни ечишнинг дивергент ва конвергент типларини қўллаш, яъни фикрлашда ўқув машғулотларини олиб бориш бир текисда эмас, балки масалада муаммонинг қўйилишини ривожлантириб бориш;

- ўқув материали охирги муҳим ахборотлар билан янгиланганлиги муаммонинг қўйилиши ва ечилишини узлуксиз ривожлантириб бориш;

- ўқувчининг мантикий фикрлаши доирасининг кенгайиб бориши билан унинг ўз билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш олиш малакасининг уйғунлиги;

- ўқувчи ўз ҳатти-ҳаракатлари, амалиётида янги билимларни ўзлаштирганлигини ифода қилиш;

- интеллектуал ташаббус кўрсата олиш ва масалани ечишда чамалай олишни билиш; бунда «интеллектуал ташаббус»- ўқувчининг турли ўқув ва ижодий масалаларнинг ечилишида муаммони чуқурроқ кўра олишга, оригинал ва муқобил ечимларни топишга мустақил равишда интилишида намоён бўлади.

- конформизмга йўл қўймаслик, яъни нотўғри ечимга олиб келувчи ғоя ва ҳолатларни йўқ қилиш;

- ғояларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув қобилиятлари шакллантирилади;

- муаммони чуқурроқ тадқиқ қилишга интилиш;

- ўқув-билув фаолиятида ҳурфикрлиликка эришиш, яъни муаммони тадқиқ қилишда ва ечишда мустақил изланишга эришиш;

- индивидуаллаштиришга эришиш - таълим жараёнида иштирок этаётган ўқувчиларнинг шахс сифатларини ривожлантириш ва ҳар бир ўқувчини жарённинг субъекти сифатида ўзини тўла намоён эта олиш учун шароит яратиш;

- муаммоли вазият ҳосил қилиш – ўқувчилар ўртасида муаммоли вазият ҳосил қилишни ўйлаб топиш ва йўналтира олиш.

Шунга асосан, биз юқорида таъкидланган тамойиллардан мақсадли фойдалансак, ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши юқори даражада шаклланади.

Шарқда ҳам инсон фикрлаши муаммоси ҳилма-ҳил қарашлар негизида таҳлилга тортилган. Инсон ва борлиқ муносабатларига, фикрлашнинг турли ҳил фанлар асосида таҳлиliga Форобий кенг тўхталади. Унинг фикрича, инсон маънавиятининг олий даражаси ақл, руҳ ва фикрлаш бўлиб, улар инсоннинг билиш фаолиятига мос бўлган шаклларда намоён бўлади.

1. Форобий «Ақл тўғрисида»ги китобида ахлоқли кишининг «ўн икки туғма хислати»ни таърифлаб, одамнинг фикрлаш қобилиятига тўхталиб ўтади.

Форобий фикрлаш қобилияти юқори бўлган инсон барча топшириқлар юзасидан ўтказиладиган таҳлилларни тез ва тўлиқ тушунадиган, унинг маъносини ўзлаштириб, сўзлаётган шахснинг мақсади ва баён қилинган фикрининг ростлигини тушунадиган, қуввайи ҳофизаси кучли, борлиқдан қабул қилган маълумотларининг барчасини эслаб қоладиган, хотирасида сақлаб қоладиган, зеҳни сезиши билан, бу аломат нимани англатишини тезда аниқлаб оладиган, фикри ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини тўлиқ ва изчил баён эта оладиган, билимларни осон, тез ўзлаштира оладиган бўлишини кўрсатиб ўтади [3].

Абу Али ибн Сино «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар» номли асарда фикрлаш жараёни билан боғлиқ бўлган маълумотларга батафсил тўхталиб ўтган. Олимнинг «Тадбири манозил» («Болани тарбиялаш ва ўқитиш») асарида ўқувчиларнинг фикрлашини яхшилаш, билим бериш самарадорлигини оширишда фан ютуқларини эгаллашга қизиқиш юзага келиши ва рақобатлашиш имкониятини яратишда ўқувчиларни бирга ўқитиш зарурлигини таъкидлайди.

Олим суҳбатдошига ҳурмат билан муносабатда бўлишига тўхталиб, шундай дейди: «Сенинг фикринг (боланинг) юрагига етиб бориб, унга ўйлаб, фикр юритиб кўришга имкон берсин... Агарда сенинг суҳбатдошинг ёки дўстинг сенинг сўзларингга ва насиҳатларингга эътибор бермаётганини сезсанг, суҳбатни бошқа вақтга кўчир» [3].

Кайковус илмий-назарий билимларга ҳамиша таянмасдан, инсон ўзининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, мақсадга йўналтирилган ғоялари асосида фикрлаши мумкинлигини ўғлига насиҳат тарзидаги «Қобуснома» асарида қуйидагича ёзади: «Эй фарзанд, билгилки, барча ҳукми китоб бўйича қилмасдан, ўз фикрлари билан ҳам ҳукм қилурлар ва бундай тадбирлар билан ҳам ишни билиб олулар» [3].

Инсон фикр, ақл, сезгилари воситасида билимларни эгалланиши тўғрисида қомусий олим Абу Райҳон Беруний мулоҳазаларини баён қилар экан, шундай деб ёзади: «Фақат сезги орқали, сезги органлари билан эришилган билимлар хатоларга олиб келиши мумкин. Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқаришда фойдаланса, ана шу сезгилар ёрдамида идрок қилинадиган нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришиши мумкин. Истақларга меҳнат туфайли эришилади» [3]. Унинг таъкидлашича, ҳаётий вазиятларда, мавжуд муаммоларни ечиш жараёнида сезги органлари орқали қабул қилинган маълумотлар тўғридан-тўғри идрок қилинмасдан, балки фикр тўлиқ

ташхисланса ва тегишли хулосалар чиқарилса, ана шу билимгина ҳақиқий ва мустаҳкам бўлади.

Сўз ва тафаккурни бир-бирига чамбарчас боғлиқ birlikлар сифатида кўрган Алишер Навоий ўз асарларида фикрга масъулият билан қараш муаммоси ҳақида “Сўзни кўнгулда пишқормагунча, тилга келтирма, ҳарнаким кўнгулда бўлса тилга сурма”, тарзида ўз қарашларини баён қилади. Шоирнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида ҳам билим олган, аммо тўғри фикр юрита олмайдиган инсонни «Илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшак кабидир» дея ундайларни «нодон» деб атайди.

Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бадан ва фикр тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, фикр тарбияси «муаллимнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождир» ва инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларни таҳлили натижасида бошланғич синф ёшидаги болаларнинг ақлий фаолиятини ўрганиш қуйидаги хулосани тасдиқлади: фақат ўқувчининг ўз ақлий фаолияти, ижодий топшириқларни ечишда чуқур ўйланиши натижасида алоқаларнинг ранг-баранглиги вужудга келади. Ушбу ақлий фаолиятнинг юқори, изчил даражасини ифодалайди. Шунга асосан ўқув-билув фаолиятнинг жадаллашуви таъминланади.

Бир нечта психологлар ижодий фикрлаш ва ижодий фаолият муаммоларини ўрганганлар.

Ижодий фикрлаш – 1. эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамойили устувор бўлган тафаккур шакли. 2. Ички ақлий бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар асосидаги янги тафаккурга эга бўлишнинг мантиқий изчиллиги маҳсулидир.

Ижодий фикрлаш воқеаларни таҳлил этиш, қиёслаш, таққослаш, асосида фикрни такомиллаштириш, унинг янги қирраларини топиш, шу тариқа билим ва тасаввур дунёсини бойитишни назарда тутди. Ижодий фикрлаш – инсонга хос бўлиб. Бу хусусиятдан маҳрум бўлганлар бамисоли ҳамма ишни кўр-кўрона бажарадиган қулга айланиб боради. Ижодий фикрлашга эга шахс ўз мустақил фикрига эга. У ҳаётга, одамларга эркин муносабатда бўлиб, ҳар қандай воқеа юзасидан ўз фикрини баён қила олади. Ижодий фикрлаш – инсонлар жамоасини маънавий янгилаш, одамларнинг тафаккурини кенгайтириш, эзгу гоялар тантанасини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ижодий фаолият – муайян соҳада иш-фаолият билан шуғулланувчи инсоннинг аниқ бир мақсадга интилувчанлиги, махсус хиссий ҳолати – илҳомланиши, руҳий кечинмаси, шунингдек, муаммони тўлиқ ҳал этиш истакларини мужассамлаштирган фаолият тури [3].

Ўқитиш жараёнида фикрлашни ривожланиши муаммоларини хал қилишнинг кейинги босқичида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнларини бошқариш масаласи юзага келди. Бунда ўқиш фаолиятида фикрлаш бир томондан тайёр билимлар устида амаллар бажариш, иккинчи томондан янги соф асл тизимни яратишга лойиқ ижодий қобилият сифатида намоён бўлади. Маҳсулдор жараёнлар ўқувчилар томонидан фикрлаш лаёқатини ривожлантирувчи омил – муаммоли ҳолатларни ечиш давомида кечади. Ўқувчиларда фаол, мустақил, ижодий фикрлаш лаёқатини ривожлантириш ўқитишнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлиги, унинг олдида қўйилган муаммога боғлиқ. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат тайёр билимларни бериб қолмасдан, уларда мустақил равишда ўқиб ўрганиш, ўзига хос изланишга иштиёқ уйғотиши мақсадида лозим таълим технологияларидан ўринли фойдаланишлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Энди биз томонимиздан қўйилган муаммолар билан боғлиқ айрим изланишлар таҳлиliga тўхталамиз:

Ўқувчилар билан оғзаки машқлар устида ишлашни ташкил этишнинг баъзи масалалари Пышкало А.М., Ибрагимов Р., Зайниддинова М.А., Қосимов Ф.М. ва бошқаларнинг ишларида маълум даражада ўз аксини топган, аммо кўрсатиб ўтилган муаллифлар оғзаки ишларни ўқувчиларнинг ҳисоблаш кўникма, малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлаганлар.

М.А.Зайнитдинованинг илмий изланишларида оғзаки ҳисоблашлар ўқувчиларни ҳисоблаш малакаларини шакллантириш воситаси сифатида қаралган. Бунда асосан “ҳисоблаш малакаси” тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган ва оғзаки топшириқлар ўқувчиларнинг ҳисоблаш малакаларини такомиллаштириш воситаси сифатида қаралган. Аммо оғзаки ҳисоблашлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантирувчи омил сифатида тадқиқ этилмаган.

Ф.М.Қосимовнинг “Бошланғич синф математика дарсларида ижодий топшириқлар ва улар устида ишлаш методикаси” номли номзодлик диссертациясида оғзаки машқлар ва улардан фойдаланиш муаммоси тадқиқот предмети сифатида қаралмаган, аммо ушбу илмий тадқиқот ишида бошланғич синфларда “топшириқлар назарияси” махсус ўрганилиб, бошланғич синф математикадан ижодий топшириқларнинг турлари ва уларнинг таснифи, математикадан ижодий топшириқларни яратиш усуллари ва тамойиллари, математика дарсларида ижодий топшириқлардан фойдаланиш методикаси каби жиҳатлар ўрганилган.

Р.Ибрагимовнинг “Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари” номли докторлик диссертациясида математика курси материаллари асосида бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолияти мазмуни ва уни эгаллашнинг технологик шарт-шароитлари, “Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолияти” илмий тушунчасининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантириш тизимининг асослари келтирилган, бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик тизими, шарт-шароитлари, босқичлари ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини шаклланганлик кўрсаткичлари белгиланган ва илмий-методик тавсиялар берилган.

О.Розиқовнинг илмий-педагогик тадқиқотларида ўқув машқи ўқув материали билан ёнма-ён таҳлил қилинган. Муаллиф ўқув машқларининг қуйидаги хусусиятларини қайд этган: 1) қуриш мумкинлиги; 2) таълим жараёни актлари, босқичларига мослиги; 3) у ўқув материалининг шакли эканлиги; 4) қуриш ва қайта қуриш имкониятининг мавжудлиги; 5) бир машқ ўрнида бошқасини қўллаш имкониятининг борлиги; 6) бир-бирини тўлдириши; 7) билим ва фаолият усуллари ўрганиш ҳамда такомиллаштириш талабларига мослиги; 8) очиқ тизим эканлиги; 9) таълим шароитида ўқиш ва ўрганиш эҳтиёжини қондириши.

Голиков А. И. илмий-педагогик тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларини ўқув фаолиятида математик ривожланишининг методикасини ишлаб чиққан, ҳамда математик фикрлаш фаолияти ривожланишининг мезонлари ва даражаларини белгиланган, ўқувчиларида математик фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг методикасини баён қилган. Методик тизимни кенгайтириш масаласи ва унда оғзаки машқлардан фойдаланишни объект сифатида қаралмаган.

Липатникова И.Г. илмий-педагогик тадқиқотларида оғзаки машқлардан фойдаланиш мавжуд методик тизимни асоси ва тўлиқ қамраб олишини кўрсатиб берган, аммо ўқувчиларни мантикий фикрлашини ривожлантиришнинг асосий воситаси эканлигига ва методик тизимни такомиллаштиришга тўхталмаган.

Фридман Л.М. ўқув машқларининг дидактик хусусиятларини таҳлил қилиб, уларни ақлий ва амалий машқларни бажаришдаги «тўсиқни» бартараф этиш деб қараб, уни онгда ҳосил бўлган муаммоли ҳолатнинг нутқ воситасида берилган модели деб таҳлил қилган.

Пономарев Я.А. тадқиқотларида машқлар назарияси қатор категориялар, жумладан, субъект ва объектнинг ўзаро таъсиридан ўқув ҳолатининг юзага келиши, ўқув ҳолатида субъектнинг фаол қатнашиши, фаол хатти-ҳаракатнинг билимларни эгаллаш ва такомиллаштиришга йўналганлиги шарҳланган.

Мавжуд тадқиқотлар биз қўйган муаммонинг йўналишларини маълум даражада акс эттирсада, бошланғич синф дарсларида шахсни шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари даражасида таҳлил қилинмаган. Шунингдек, дарсларда таълим технологияларини қўллаб оғзаки машқлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантирувчи омил сифатида тадқиқ этилмаган.

Айрим олимлар фикрича мантиқий фикрлаш назарий фикрлашнинг ўзи эканлиги, у эмпирикдан аналитик, режалаштирувчи, рефлексив фикрлашгача бўлган даврни муайян изчилликда босиб ўтади (Атаханов Р., Давыдов В.В, Ле Тхи Кхань Кхо, Максимов Л.К. ва б.).

Математикани ўргатиш жараёнида ўқувчиларда шаклланиши лозим бўлган математик фикрлашни Фридман Л.М. [4], умумий фикрлаш маданиятининг таркибий қисми деб ҳисоблайди. Маданий фикрлаш – шундай фикрлашки, бунда фикрлашнинг турли усуллари ва амалларининг қўлланиши маълум бир тартибда, қатъий тизимда, ечилаётган фикрлаш масаласи характерига тўла мос равишда амалга оширилади дейди.

Шу тариқа биз “фикрлаш” тушунчасига нисбатан бир нечта ёндашувларни таълил қилдик. Фикрлаш шахснинг фаоллигини тавсифловчи жараён бўлиб, унинг узлуксиз ривожланаётганлиги фаолиятда намоён бўлади. Бу фаолият фанларни ўрганиш жараёнида ўқув масалаларини ечиш фаолиятида намоён бўлади.

Мантиқий фикрлаш назария ва амалиётни, фикрлашнинг конвергент ва дивергент турларини уйғунлаштиради ҳамда ўзига хос топқирлик билан тавсифланади.

Конвергент фикрлаш муаммонинг ягона ечимини топишга қаратилган, дивергент фикрлаш эса масаланинг мумкин бўлган барча ечимларини излашга йўналтирилган фикрлаш тарзидир.

Биз изланишларимизда бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашни ривожланишининг эвристик, мантиқий алгоритмик услубларидан фойдаланишга ҳаракат қилдик [5]. Эвристик услублар реал ҳодисаларнинг математик моделларини қуришнинг асосли эканлигини кўрсатди, мантиқий услублар эса унинг “қатъий” талаблари билан математик модел ичидаги масалани ечишга хизмат қилди.

ХУЛОСА

Фикрлаш жараёни топшириқни ечиш тартиби билан чегараланганлиги сабабли фанларни ўргатишда ўқувчиларнинг фикрлаш ходисасига нисбатан турлича қарашлар мавжуд. Мураккаблик даражасига эга бўлган топшириқларни ечишда, ўқув курсининг қўшимча бўлимларини ўзлаштиришда, ўқитишнинг муаммоли-изланиш услубидан фойдаланиш талаб қилинади.

Муҳим масалалардан яна бири ўқув жараёнида фанлардан синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш имкониятларини аниқлаш, мақсадга йўналтирилган оғзаки савол ва машқларнинг дидактик асослари, улардан ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш лаёқатини ривожлантиришда фойдаланиш йўллари ва шарт-шароитларини ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун куйидаги муаммоларни ҳал этиш талаб қилинади: бошланғич синф ўқувчиларида мантиқий фикрлаш фаолиятини ривожлантиришда синфдан ташқари ишларни ташкил қилишнинг методик имкониятларини аниқлаш зарурияти мавжуд.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони / www.lex.uz.
2. Савенков А.И. Маленькие исследователи в реальной жизни // Дошкольное образование. № 7-2004. С. 6 -19.
3. Худойназаров Э.М. Бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Фал. ф. д...дисс. – Термиз., 2022. –152 б.
4. Khudoynazarov E.M. An active approach to education as a methodological basis for the study of problems of practical task // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085, 2021, P. 764 – 767
5. Худойназаров Э.М. Математика ўқитиш методикаси /Ўқув қўлланма/ – Т: Нодирабегим, 2020. – 199 б.
6. Masharipova G. Kasbiy ma'naviyat //Scienceweb academic papers collection. – 2022.
7. Masharipova G. K. “DINSHUNOSLIK” FANINI O „QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. NUU Conference 2. – С. 812-816.
8. Masharipova G. K. The scientific heritage of the scholars of Khorazm Mamun Academy who made great inventions of the Middle Age //Europaische Fachhochschule. – 2013. – №. 9. – С. 13-14.

9. Kamilovna, M. G. (2021). OYBEK'S HOUSE-MUSEUM IS AN EDUCATIONAL CENTER FOR YOUNG PEOPLE. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 1(02), 68-72.
10. Kamilovna, M. G., & Bakridinovna, K. S. (2021, January). GREAT DISCOVERIES OF THE MIDDLE AGES-SCIENTIFIC RESEARCH OF ENCYCLOPEDIC SCIENTISTS IN THE FIELD OF EXACT SCIENCES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 71-74).
11. Kamilovna M. G. et al. Interesting Events From The Life Of Famous Scientist Oybek //Euro-Asia Conferences. – 2021. – T. 3. – №. 1. – C. 15-17.
12. Kamilovna, M. G. (2021, March). The View Of Eastern Thinkers On Youth Education. In *E-Conference Globe* (pp. 336-338).
13. Kamilovna, M. G. (2022, February). THE PLACE OF SCIENTIFIC HERITAGE AND TRANSLATED WORKS OF AYBEK IN YOUTH EDUCATION. In *Conference Zone* (pp. 273-276).
14. Kamilovna, M. G. (2022, March). SPECIAL CHARACTERISTICS OF AYBEK'S HISTORICAL NOVEL «SACRED BLOOD» IN YOUTH EDUCATION. In *Conference Zone* (pp. 16-19).